

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 14 январь, № 10 (5177) Жума

# ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!**

Сизларни ва ўз ҳаётини она-Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас ва олижаноб ишга бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 19 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу йил халқимиз барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган шонли сана — Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллик байрамини кенг нишонлайди.

Ана шу йиллар давомида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўтган давр мобайнида амалга оширган, ўзининг кўлами ва моҳиятига кўра ғоят улкан ва ноёб, том маънода тарихий ишларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир ўз миллий армиясига эга бўлди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Юртимизда қабул қилинган Мудофаа доктринаси ва армияни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда унинг эски ёндашув ва қолиплардан принципиал жиҳатдан ажралиб турадиган қурилиш тизими бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни босқичма-босқич амалга ошириш асосида мамлакатимиз Қуролли Кучларини бошқаришнинг замонавий талабларга ва минтақамизда юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театри талабларига жавоб берадиган янги тизими яратилди.

Қўшинларнинг тузилиши ва жанговар таркиби, ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгарди.

Бугунги замонавий шароитда бошқариш нуқтаи назаридан ноқулай, самарасиз бўлган қўшилмаларнинг, кўп поғонали бошқарув тизимининг тугатилиши армиямиз қиёфасини бутунлай ўзгартирди. Қуролли Кучларимизнинг қудрати, жанговар салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаракатчанлиги, тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий операцияларни олиб боришга тайёргарлиги, мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигига рахна солишга, унинг ҳудудига суқилиб киришга уринадиган ҳар қандай тажовузкор босқинчига зарба бериш қобилияти юқори даражада ошди.

Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизими яратилди. Бу тизим ҳарбий хизматчиларга ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш, ҳарбий-жанговар фаолиятнинг тажриба ва малакасини эгаллаш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни тайёрлаш тизими тубдан ўзгармоқда. Ушбу билим юртларида бўлғуси офицерларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари замонавий фикрлайдиган, ўз халқи, ўз Ватанига садоқатли офицер кадрларни шакллантиришни таъминлайдиган мутлақо янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим.

Ҳозирги вақтда қўшинлардаги ҳарбий хизматчиларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи ўқув машғулотларини жанговар вазиятга мумкин қадар тўла яқинлаштирилган ҳолда олиб бориш имконини берадиган замонавий тренажёр мажмуалари, моделлаштириш ва симуляция воситалари билан жиҳозланган сержантлар тайёрлаш мактабларида тайёргарликдан ўтгани, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай тизим ўқув материалини янада сифатли ўзлаштириш, бирламчи бўғин командир кадрларининг тайёргарлик жараёнини ўзгартириш, сержантлар корпусини соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни ва ҳарбий интизомни шакллантириш таянчига — Қуролли Кучларимизнинг мустаҳкам ўзагига айлантириш имконини берди.

Қуролли Кучларнинг қисм ва бўлинмаларини қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари билан таъминлаш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланиши, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилиши, чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома бўйича хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ўқув-жанговар ва тарбиявий ишлар тизимини принципиал жиҳатдан ўзгартириш, ҳарбий бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, армиямизнинг жанговар тайёргарлигини бутунлай оширишга олиб келмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган катта ишлар олиб борилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳарбий хизматчилар ҳаётининг моддий-маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилаш имконини бермоқда. Фақат кейинги беш йилда ҳарбий унвонлар бўйича бериладиган ойлик маошлар, ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули саккиз мартадан кўпроқ оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари, жумладан, олий ўқув юртларига киришда уларга давлат томонидан имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётгани мамлакатимиз Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрўсининг янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Бугун ўтган давр мобайнида ҳарбий ва мудофаа қурилиши, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз сарҳадларининг мудофааси ва ҳимояси, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишталигини таъминлаш ишончли қўлларда, деб тўлиқ асос билан айта оламиз.

Қадрли дўстлар!

Бизнинг энг муҳим вазифамиз — ҳар жиҳатдан замонавий, ҳаракатчан, яхши қуролланган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни шакллантириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, унинг тизимли ва комплекс модернизация қилинишини таъминлашдан, қисқача айтганда, халқимиз муносиб ва ҳақли равишда фахрлана оладиган Қуролли Кучларни яратишдан иборатдир.

Афғонистондаги вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётгани, наркотрафик, халқаро терроризм, экстремизм кенг тус олаётгани, бизга чегарадош баъзи мамлакатларда юзага келган беқарорлик, шунингдек, минтақамизда бошқа таҳдид ва хавф-хатарларнинг сақланиб қолаётгани биздан Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини муттасил ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги чораларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси биздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, яқин атрофимизда иғво кўзғатиб, кескинлик ва қарама-қаршилик ўчоқларини келтириб чиқаришга қаратилган ҳар қандай уринишларни бартараф этишга тайёр туришни талаб қилади.

Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

**Биринчи.** Минтақамиздаги замонавий таҳдидлар ва хавфсизликка қарши қаратилган хатарларни тизимли ва чуқур таҳлил қилиб бориш, уларнинг ўрта ва узоқ келажакда олиб келиши мумкин бўлган оқибатларини инобатга олган ҳолда, юз бериш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрини кузатиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб боришимиз зарур.

Аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган бир қолипдаги ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига рахна соладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши Қуролли Кучларимизнинг муносиб ва самарали зарба бериш имконияти ва тайёргарлигини танқидий баҳолаб боришимиз даркор.

**Иккинчи.** Барча қўшин турларини бошқариш ва ўзаро узвий мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини янада ошириш, қисм ва бўлинмаларнинг стратегик, оператив ва тактик нуқтаи назардан аниқ ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш, мамлакатимиз чегараларини бузиб, юртимизга бостириб киришга қаратилган ҳар қандай ёвуз уринишларга зарба бериш ва уларни бартараф этишга доимо тайёр туриш лозим.

Бу борада Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби, ҳарбий округларнинг қўмондонлик ва штаблари олдида ғоят масъулиятли вазифалар турибди. Ушбу тузилмалар ҳозирги шароитларда ҳар қандай хавфнинг чорасини олдиндан кўришга ва узоқни кўзлаб иш олиб боришга тайёр бўлиб турган ҳолда, мамлакатимиз мудофаа тизимидаги заиф нуқталарни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг бартараф этилишини таъминлаш учун қўмондонлик-штаб ўқув машқларида айни шундай тайёргарликлар устида ишлашни мақсад қилиб қўйиши зарур.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи Қуролли Кучларни бошқариш, режалаштириш ва қўллаш тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, бошқарувнинг информацион воситалари ва ҳарбий алоқа тизимларини уйғунлаштиришни, Қуролли Кучларимиз ахборот-коммуникацияларининг рақамли ягона тармоғини яратишни тақозо этмоқда.

**Учинчи.** Барча даражадаги қўшин турларининг ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида қўмондонлик-штаб, тезкор-тактик, тактик-махсус ўқув машқлари ва машғулотларини ўтказиш, индивидуал ва гуруҳ шаклидаги жанговар тайёргарликнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳамкорликдаги операцияларга жалб этиладиган чегара қўшинлари, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари, вертолёт-ҳужум бўлинмалари ва махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, бошқа жалб қилинадиган қўшин турлари ҳамкорлигида турли модель ҳамда вариантларни амалда қўллаш барча ўқув машғулотларининг муҳим таркибий қисмига айланиши шарт. Шу борада ҳарбий округлар қўмондонликларининг турли хавф-хатар ва таҳдидларга қарши тезкор зарба бериш бўйича вазифаларни ҳал қилишда белгиланган операцион йўналишлар доирасида амалда мустақил ва ўзини ўзи бошқаришга қодир бўлишига эришиш лозим.

**Тўртинчи.** Қуролли Кучларимизнинг ҳаракатчанлиги, ўзини ўзи бошқариши, юксак жанговар тайёргарликка эга бўлишига эришишда ҳарбий қисм ва бўлинмаларни модернизация қилиш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, алоқа ва индивидуал ҳимоя воситалари билан қайта жиҳозлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қуролли Кучларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини назарда тутган ҳолда, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолёт техникаси, бронетанк қурол-яроғлари, артиллерия тизимлари, зенит ракеталари комплекслари, залпли ўт очишнинг реактив тизимлари, юксак даражада аниқ нишонга оладиган замонавий қуроллар, индивидуал ва гуруҳ шаклида, шу жумладан, радиоактив нурланиш ҳамда кимёвий ва биологик қуроллардан ҳимояланишнинг махсус восита ва техникаларини модернизация қилиш ва уларнинг замонавий намуналарини сотиб олиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

**Бешинчи**. Қуролли Кучларимизни ислоҳ этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири — офицер ва сержант кадрларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган, интеллектуал жиҳатдан юксак, аналитик ва стратегик фикрлаш қобилиятига, жанговар ҳаракатларни моҳирлик билан режалаштириш салоҳиятига эга, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқариш, уларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни қарор топтиришга қодир бўлган профессионал ҳарбийларни шакллантиришни таъминлайдиган узлуксиз тизимни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Қуролли Кучлар қўмондонлиги ҳарбий таълим муассасалари, сержантлар тайёрлаш мактабларини энг замонавий таълим жиҳозлари, жумладан, моделлаштириш ва симуляция воситалари, компьютер техникаси, ҳарбий полигон асбоб-ускуналари билан таъминлаш масаласига бундан буён ҳам асосий эътиборни қаратиши лозим. Ўқув жараёнини ташкил этишда ҳарбий соҳани ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини, муайян ҳудуд доирасида тез ва шиддатли тарзда кечадиган операциялар ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш бўйича бугунги тажрибаларни акс эттирадиган фан ва ихтисосликларни ўзида мужассам этган замонавий таълим дастурларига асосланиш зарур. Курсантларни назарий жиҳатдан тайёрлаш уларнинг қўшинлар сафидаги амалий тайёргарлиги билан узвий равишда тўлдирилиши, кундалик жанговар хизмат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак.

Буларнинг барчаси ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчи ва инструкторлари таркиби олдига алоҳида юксак талаблар қўяди. Улар юқори даражадаги профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлиши, замонавий ўқув-тарбия ишларининг шакл ва усулларини пухта эгаллаган ҳолда, ўзининг педагогик ва ҳарбий-профессионал малакасини доимо ошириб, хорижий армияларнинг илғор тажрибаларини ўзлаштириб бориши даркор. Мухтасар айтганда, улар ўз хизмат бурчини юқори даражада адо этиш, тартиб-интизомга қатъий риоя қилиш, юксак маданият ва ахлоқ борасида ибрат ва намуна кўрсатишлари лозим.

Юқорида зикр этилган масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси олдида катта вазифалар турибди. Яқинда уни тубдан қайта ташкил этиш жараёнида олий қўмондонлик таркибидаги офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, мудофаа қурилиши соҳасидаги илмий-амалий тадқиқот ва ишланмаларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш масъулияти айнан шу академияга юклангани ҳам бунинг яққол далилидир.

Ҳарбий таълим тизимини модернизация қилишда етакчи хорижий давлатлар, жумладан, НАТОга аъзо мамлакатларнинг офицер ва сержантлар тайёрлаш тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш зарур.

**Олтинчи.** Мудофаа қурилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақияти шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси билан бевосита боғлиқдир.

**Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, армиянинг қудрати фақатгина унинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги, энг янги қурол-яроғлар билан таъминлангани билан эмас, балки Қуролли Кучларимиз сафлари профессионал тайёргарликка эга бўлган шахсий таркиб билан қай даражада тўлдирилгани, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она-Ватан тақдири учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади.**

Бу мақсадларга эришиш учун энг замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, етакчи жамоат ташкилотлари, олимлар, мутахассислар, маданият ва санъат намояндаларининг куч ва имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, ҳарбий округлар миқёсида интеграциялашган қўшинлароргти таъминотини йўлга қўйиш, ижтимоий, уй-жой, маиший, тиббий таъминот тизимларини яратиш юзасидан қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш вазифалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Бу вазифаларнинг ўта муҳим аҳамияти шундаки, авваламбор, **бугунги шароитда фақат пухта тайёргарликка эга бўлган, ҳар томонлама яхши таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, пировард натижада эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигининг, осуда ҳаётимизнинг мустаҳкам ва ишончли кафолати бўла олади.**

Азиз ватандошлар!

Мана шу қутлуғ айёмда сизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 19 йиллиги билан яна бир бор табриклар эканман, барча ҳарбий хизматчиларга — аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга — бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида масъулиятли хизмат вазифасини ўтаётган юртимизнинг мард ва жасур ўғлонларига, Ватанимизни ҳимоя қилишдек олижаноб бурчини муносиб адо этаётган барча инсонларга самимий миннатдорлик сўзларини изҳор этишдан бахтиёрман.

Барчангизга янги 2011 йилда мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад тилайман!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



# МАРД ВА ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР

## Ватан ҳимояси, тинчлигимиз ва осойишталигимиз таянчларидир

***Жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва ҳамжиҳатлик туфайли ҳар бир соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, юртимиз келажаги, одамларимизнинг эркин ва янада фаровон ҳаёт кечириши учун пухта замин яратилмоқда. Бизга берилган мана шундай улуғ неъматнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Она Ватанига меҳр-муҳаббатли, садоқатли кишилар борки, ана шу туйғунинг масъулиятини доимо ҳис қилиб яшайдилар. Шу маънода айтганда, бугун Ўзбекистон фарзандлари, профессионал асосдаги миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган жасур, мард ва интеллектуал салоҳиятли ўғлонларнинг ҳар бири садоқатда, фидойиликда тенгсиздирлар.***

Эндиликда уларга ҳавас қилиб, ўз хоҳиш-иродаси билан ҳарбий хизматга бориш ва фарзандлик бурчини адо этиш истагини билдираётган ёшларнинг сафи ҳам кенгайиб бораётгани қалбимизга юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бу аҳоли орасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори тобора юксалаётганининг ёрқин ифодасидир.

Зиммасидаги шарафли вазифани сидқидилдан бажараётган, она-юрт шанини, унинг сарҳадларини ўз ор-номусидек асраб-авайлаётган ҳарбийларимиз доимо халқимизнинг эъзоз ва ардоғидадирлар. Шу кунларда мамлакатимизда миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 19 йиллиги кенг нишонланмоқда. Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ушбу байрамга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ. Бердиев ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати боис мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ҳамда ғаразли уринишларнинг олдини олишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга миллий армиямиз шакллантирилди.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Хонадонларга тоза ичимлик суви

***ҚОРАҚАПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Қонликўл туманидаги Ашамайли қишлоғи аҳолиси янги йилни ўзгача қувонч билан қаршилади.***

Байрам кунларида бу ерда 2,6 километрлик масофага қувур тортилиб, қишлоқ хонадонларига тоза ичимлик суви кириб борди. Ушбу хайрли иш "Экосан" халқаро ташкилотининг 54 миллион сўмлик маблағи эвазига амалга оширилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### 600 миллион сўмлик лойиҳа

***НАВОИЙ. Қизилтепа туманида тадбиркор Ботир Тошев ташаббуси билан лойиҳа қиймати 600 миллион сўмлик "Велла плюс" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.***

Ҳозир бу ерда хорижнинг замонавий технологиялари ёрдамида уй-рўзғор буюмлари ва қурилиш материаллари тайёрланмоқда.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда 14 киши меҳнат қилаётган корхонада дастлабки 20 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Кредитга — қандолат цехи

***СИРДАРЁ. Гулистон шаҳрилик тадбиркор Ойбек Сотиболдиев "Бунёдбек-Нилуфар" хусусий корхонаси фаолиятини кенгайтириб, бу ерда қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.***

Бунинг учун у "Микрокредитбанк"нинг 70 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланди. Айни пайтда қўшимча 9 та янги иш ўрни яратилган корхонада дастлабки 30 миллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ёшларга ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси

Бир рақам шарҳи

2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда ёш оилаларга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун

**90** миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

**Республикамизнинг барча ҳудудларида яшовчи ёшларнинг ижтимоий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадларига йўналтирилган бу маблағ, аслида, давлатимиз томонидан уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди.**

# МАРД ВА ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР

## Ватан ҳимояси, тинчлигимиз ва осойишталигимиз таянчларидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди, улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланганни, муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик чақирув-резерв хизматининг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз мудофаа қудратини юксалтириш йўлида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, ушбу йўлдаги энг муҳим қадамлардан бири сифатида давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини келтириш мумкин. Мазкур ҳужжат чақирув сифати ва самарадорлигини юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган вақт мобайнида унинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳолига кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чақирув комиссияларининг ишида ошкоралик ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” ва “Маҳалла” жамғармалари вакиллари жалб қилинди. Бу тизим миллий армиямиз сафларига ҳар жиҳатдан етук ўғлонларни жалб этиш имконини бермоқда. Ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш ва муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган аскарларни кутиб олиш тадбирларини катта тантана сифатида нишонлаш ҳам ўзига хос анъанага айланди. Мана шундай тадбирларда бевосита иштирок этиб, чеҳрасида қувонч ва ҳаяжон тўла кишилар билан дилдан суҳбатлашганимизда, уларнинг “Армия фарзандларимиз учун чинакам ҳаёт мактабига айланди”, деган фикрларини жуда кўп эшитамиз.

Албатта, аскарларнинг кейинги ҳаёти ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида. Хусусан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлашиш ва ўқишга кириш бўйича қатор имтиёзлар тизими белгиланган.

Бугунги кун ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликка, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, энг замонавий қурол-яроғлар, ахборот-компьютер технологияларининг сир-асрорларини пухта билишни тақозо этади. Ушбу жиҳатлар мамлакатимиздаги ҳарбий қисмлар, сержантларни тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртларидаги таълим жараёнларида алоҳида эътиборга олинган.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида жойларда кўплаб ҳарбий хизматчилар янги уйларга эга бўлгани ана шу ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Бу тадбирлар, албатта, бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.



Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси асосида ўтган йили пойтахтимизда Қуролли Кучларимиз шарафига “Ватанга қасамёд” ҳайкали ўрнатилди. Ёш авлодни миллий ғоя руҳида, мард, жасур, фидойи ва матонатли ўғлонлар этиб тарбиялашда маънавий ибрат бўлиб хизмат қиладиган бу бетакрор мажмуа бугун халқимизнинг энг муқаддас масканларидан бирига айланган.

Бу салобатли ҳайкал ўзида жуда чуқур мазмун-моҳиятни акс эттирган. Унда эл-юртимизнинг муносиб ўғлони давлатимизнинг бетакрор тимсоли бўлмиш байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси, ота-боболаримиз хоки ётган қутлуғ заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилмоқда. Ана шу фарзандга оқ сут берган, бағрида кўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар она бамисоли ўз қўрғони олдида туриб, ҳарбий хизматга отланган жондан азиз боласига оқ фотиҳа бериб, унга оқ йўл тиламоқда. Эътиборли жиҳати, ушбу ҳайкал сиймосида Қуролли Кучларимиз сафига киришга тайёргарлик кўраётган минг-минглаб азму шижоатли ёшларимизнинг ҳам юксак орзу-интилишлари ўз аксини топган.

Президентимизнинг 2011 йил 11 январда қабул қилинган Фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари миқёсида ҳар йили “Энг илғор мутахассис” танловини ўтказиш яхши анъанага айланган. Шунга мувофиқ, 2010 йилдаги энг илғор сержант, гуруҳ, взвод ҳамда батальон командири, деб топилган танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илғор ҳарбий қисм, сержантлар тайёрлаш мактаби, олий ҳарбий билим юрти ва мудофаа ишлари бошқармаси ҳам тақдирланди.

Йиғилишда сўзга чиққан капитан Обиджон Тўраев, кичик сержант Баҳром Арслонов, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов давлатимиз раҳбарига ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирдилар.

Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросим байрам концерти билан якунланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

---

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий муносабатларига оид қонунчиликни такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***



**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

# ФЕРМЕР БОЙ БЎЛСА, МАМЛАКАТ ОБОД БЎЛАДИ

Унда қуйи палата депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирликлар, банклар, суғурта компаниялари, лизинг ташкилотлари, уюшмалар, илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ҳамда фермер хўжаликлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидаоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш устида изчил иш олиб борилмоқда. Айни чоғда ушбу соҳада фаолият юритаётган корхоналарга солиқ тўловларида енгилликлар бериш, мазкур субъектларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, улар учун ўрта ва узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш каби масалалар ҳам давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бундай эътибор ва саъй-ҳаракатлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланиб, унинг ишлаб чиқаришдаги улуши йил сайин ошиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 74 фоизи шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳамда 2010 йил якуни бўйича ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 53 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келиши кутилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Мазкур соҳани, хусусан, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш доирасида амалга оширилаётган бошқа амалий ишлар ҳам эътиборлидир. Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқаришга сарфланадиган асосий харажатларини молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқ имтиёзлари беришга ҳамда республика ирригация ва мелиорация тизимини янада яхшилашга қаратилган ишлар шулар жумласидандир.

Маълумки, сув хўжалиги ташкилотлари учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2010 йилда ушбу мақсадлар учун 826,3 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани бунга бир мисолдир. Умуман, 2004 — 2010 йиллар давомида сув хўжалиги тизимларини модернизация қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинзорларнинг сув таъминоти билан боғлиқ тадбирлар учун қарийб 5 триллион сўм маблағ сарфланди. Натижада пахта ҳосилдорлиги 2010 йилда 2003 йилдагига нисбатан гектарига 4,9, ғалла ҳосилдорлиги эса 9,5 центнерга кўпайди.

Тадбирда бу борада ўз ечимини кутаётган масалалар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, баъзи фермер хўжаликларининг иқтисодий ва моддий-техник таъминотини яхшилаш, ишчиларнинг касбий маҳоратини ошириш борасида талай ишлар қилиниши лозимлиги қайд этилди. Айни пайтда, давра суҳбатида фермер хўжаликларида иш юритишни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Шундан келиб чиқиб, тадбирда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Ер кодексининг фермер хўжаликларига оид нормаларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди. Қонунларнинг жойлардаги ижроси бўйича ўтказиб келинаётган назорат-таҳлил ишлари самарадорлигини янада оширишга доир фикр-мулоҳазалар айтилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

---

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза этиш масалалари қўмитаси, Экоҳаракатнинг қуйи палатадаги депутатлар гуруҳи ва Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамкорлигида амалий анжуман ўтказилди.***

# ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## ҳар бир фуқародан фаолликни талаб этади

Атроф-муҳит муҳофазасига оид қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш масаласига бағишланган тадбирда қуйи палата депутатлари, Экоҳаракат ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, тегишли вазирликлар, қўмиталар, соғлиқни сақлаш муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда истиқлолнинг дастлабки йилларидаоқ юртимизда атроф-муҳит муҳофазасига устувор вазифа сифатида қараб келинаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, жаҳон парламентаризми тарихида илк бор Ўзбекистон экологик ҳаракати Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўзи учун квоталанган 15 та депутатлик ўрнига эга бўлди. Ҳозир парламент қуйи палатасида фаолият юритаётган Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза этиш масалалари қўмитаси томонидан соҳага оид қонунларни такомиллаштириш, уларнинг ижросини назорат қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Буни ўтган қисқа вақт мобайнида уларнинг ташаббуси билан соҳага оид 15 та қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳам тасдиқлаб турибди.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни олиб кўрайлик. Маълумки, радиация хавфи бугунги кунда ўта долзарб экологик муаммолардан бири ҳисобланади. Шу боис юртимизда ушбу хавфнинг олдини олишга қаратилган радиациявий ва ядровий хавфсизлик тизими яратилди. Эндиликда уни янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар шу тизимни замон талаблари даражасида такомиллаштиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Президентимиз 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида бугунги кунда экологик муаммоларнинг ечимини топишда фуқаролик жамиятлари институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратишга эътибор қаратган эди, — дейди Қонунчилик палатаси депутати П. Реймов. — Бундан кўзланган асосий мақсад уларнинг табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасига оид давлат дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришдаги иштирокини таъминлашдан иборатдир. Шундан келиб чиқиб, қўмитамиз ва Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари саъй-ҳаракати билан “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тадбирда мазкур қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида маълумот берилди. Айни чоғда Экоҳаракатнинг давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган ҳаракат дастури ижроси ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, Экоҳаракат ҳудудий бўлинмалари фаолиятини кучайтиришга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шундан сўнг муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

---

# Қисқа сатрларда

*Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

● Жондор туманидаги “Евроснар” масъулияти чекланган жамиятида бир кеча-кундузда 30 тонна ёғни тозалайдиган янги технологик линия ишга туширилди. Ушбу лойиҳани амалга оширишда корхонанинг 200 миллион сўмлик маблағидан самарали фойдаланилди.

Қўшимча ўнта иш ўрни яратилган жамият жамоаси янги йилнинг дастлабки кунларида ички бозорга 100 тонна қадоқланган ёғ маҳсулотлари чиқаришга эришди.

**● Ўзбекистон туманидаги Ражабгарди қишлоғида жойлашган қаровсиз бино мукаммал таъмирланиб, қишлоқ врачлик пунктига айлантирилди. Замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган ушбу ҚВПда эндиликда Ўқчи, Меҳнатобод ва Туманботир қишлоқлари аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.**

● Амударё туманида пиллани қайта ишлашга мўлжалланган, лойиҳа қиймати 470 миллион сўмлик “Азия силк” қўшма корхонаси иш бошлади. Натижада бу ерда 100 га яқин иш ўринлари яратилди.

**● Андижондаги “Булоқбоши кўҳинур” масъулияти чекланган жамиятида қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳани амалга оширишга 12,5 минг АҚШ долларилик маблағ сарфланди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

---

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар ишлаб чиқаришни ҳар жиҳатдан юксалтириш ва пировардида бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бераяпти. Бундай хайрли ишлар натижасида эса аҳоли турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бораётгани қувонарлидир.***

# ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ТАШАББУСИ

Айниқса, бевосита Президентимиз ташаббуси билан иқтисодиётнинг муҳим бўғини — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани жойларда ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ҳамда янги иш ўринлари яратилишига асос бўлаётир.

Жумладан, Шеробод туманида ҳам ушбу соҳа ривожини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Биргина ўтган 2010 йилда тумандаги мавжуд 2132 та кичик бизнес субъекти томонидан 1813 та янги иш ўрни яратилгани сўзимиз тасдиғидир. Эътиборлиси, бунда тадбиркор аёлларнинг ҳам муносиб улуши бор.

Назокат Мамарасулова — туманнинг узоқ Пошхурт маҳалласидан. Мутахассислиги — ҳамшира. Бундан ўн йил аввал “Эмин оға” номли хусусий фирма ташкил қилган эди. Ўтган давр мобайнида банкдан 4 марта кредит олди. Ош тузини қадоқлайдиган замонавий технологик линияни ишга туширди. Ҳозир бу ерда меҳнат қилаётган 10 нафар ходимнинг 7 нафари — қишлоқ аёллари. Улар томонидан йилига 90 миллион сўмлик ош тузи қадоқланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

Яқинда корхона жамоаси яна бир эзгу ташаббусга қўл урди: фирма қошида чорвачиликка ихтисослаштирилган “Азимжон — Эминжон” фермер хўжалиги ташкил этилди. Шундан сўнг 300 гектар яйлов ижара асосида хўжалик ихтиёрига берилди. Келажакда бу ерда қўй боқиш, лалми мевали боғ яратиш режалаштирилган. Эътиборлиси, ушбу хайрли ташаббус натижасида жорий йилда йигирмага яқин янги иш ўринлари яратилади.

## Интилиш

— Қишлоғимиздаги чеварлар, зардўзларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, энди касаначилар ширкатини очамиз, — дейди Назокат Мамарасулова. — Асаларичиликни ривожлантирамиз. 2011 йилнинг мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши зиммамизга катта масъулият юклайди. Ўз навбатида, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишимиз учун янги-янги имконият ва имтиёзлар яратиб беради. Биз қишлоқ аёллари бундан самарали фойдаланиб, ҳам ўзимизга, ҳам эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз.

Тадбиркор аёл Сарвар Қаршиева раҳбарлик қилаётган “Шерободқулоқ” масъулияти чекланган жамияти саккиз йилдан буён ишлаб турибди. Ўтган даврда бу ерда чинни буюмлар тайёрлаш линияси ишга туширилди. Каолин, пигматит, доломит каби хом ашёлар илгари олис ҳудудлардан олиб келинар эди. Жамоанинг саъй-ҳаракатлари ва изланишлари самараси ўлароқ, Шерободнинг ўзида, Вандоб тоғининг Жирданак сойида Хитой чиннилардан ҳам сифатли буюмлар тайёрлаш мумкин бўлган мазкур хом ашёларнинг уч хил тури борлиги аниқланди.

— Хом ашё захираси беҳисоб. Сифатли чиннига бозорда талаб катта. Шу жиҳатларни инобатга олиб, 460 миллион сўм маблағ эвазига хориждан чинни пиширадиган махсус печ харид қилдик, — дейди С. Қаршиева. — Сопол буюмлар ишлаб чиқариш технологиясининг бир қисмини чинни буюмлар тайёрлашга мослаштирдик. Раҳмиддин Нуриддинов, Туроб Оқназаров, Каромат Худойқулова, Шарофат Қодирова сингари ишчиларимиз касб маҳоратларини оширдилар. Янги технология эвазига тез орада ишлаб чиқариш ҳажмини уч бараварга оширамиз. Шунингдек, 20 та янги иш ўрни яратамиз.

Туман иқтисодиёт бўлими бошлиғи Музаффар Хўжамуродовнинг таъкидлашича, 2010 йилда ҳудудда 158 та якка тартибдаги тадбиркор рўйхатга олинган бўлса, уларнинг учдан бир қисми хотин-қизлардан иборат. Шу билан бирга, амалга оширилган ўттиздан зиёд манзилли ҳудудий инвестиция лойиҳаларида ҳам аёл тадбиркорларнинг иштироки салмоқли. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорлик субъектларининг улуши ошиб бораётганида уларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бироқ ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бу, айниқса, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш, саноатни маҳаллийлаштириш тармоқларига тегишли.

— Тадбиркорларнинг ташаббус ва амалий ишларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб бораяпмиз, — дейди Музаффар Хўжамуродов. — 2011 йил туманимиз иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам алоҳида босқич бўлади. Бунда ҳам тадбиркор аёлларимиз ғайрат-шижоат кўрсатиб, юртимиз иқтисодий равнақига муносиб ҳисса қўшишига ишончимиз комил.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# СУҒУРТА БОЗОРИ РИВОЖИ

## соҳанинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда

***Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, суғурта бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.***

Зеро, бундай улуғвор мақсадларга бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Шу туфайли истиқлол йилларида юртимизда суғурта бозорининг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонунлари шулар жумласидандир. Ҳозир ушбу ҳужжатлар суғурта бозорини ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугунги кунда юртимизда “Ўзбекинвест”, “Кафолат”, “Ўзагросуғурта” сингари 33 та суғурта компанияси самарали фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг низом жамғармалари йилдан-йилга ошиб бораётгани эса қувонарлидир. Масалан, ўтган йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, ушбу компанияларнинг жамғармаси 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 47,6 миллиард сўмга, яъни 3,6 фоизга ошган.

Шу ўринда айтиш керакки, суғурта бозорининг жадал суръатлар билан ривожланиши соҳанинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Яқинда кучга кирган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15 ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонун ана шу долзарб масалага қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

## Қонун кучга кирди

Қонуннинг номидан ҳам кўриниб турибдики, мазкур Қонун билан “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 15 ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритилди. Яъни Вазирлар Маҳкамасининг суғурталовчилар ва суғурта брокери суғурта фаолиятини лицензиялаш амалиётини мустаҳкамлаш, суғурта тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, суғурталовчиларнинг моддий-техник базасини, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг минтақавий ваколатхоналарини кенгайтириш, аҳолининг суғурта ташкилотига бўлган ишончини ошириш юзасидан қабул қилинган “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талаблари билан бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига янги нормалар татбиқ этилди. Унга биноан, қайта суғурта қилиш бўйича суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи суғурта шартномаларини тузишга ҳақли бўлмайди.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси биринчи қисми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-моддасини мувофиқлаштириш мақсадида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига ҳам янги нормалар киритилганлигини айтиш зарур. Унга кўра, қўшиб юбориш, бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган ҳамда янгитдан тузилган суғурталовчилар лицензия олгунига қадар бўлган даврда улар янги суғурта шартномаларини тузишга ҳамда амалдаги суғурта шартномаларини узайтиришга ҳақли эмас.

Шунингдек, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасини “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддаси билан мувофиқлаштириш мақсадида ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилган суғурталовчининг лицензияси қайта расмийлаштирилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

Кўриниб турибдики, ушбу Қонуннинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурталовчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли равишда ҳимоялаш ҳамда мамлакатимизда суғурта бозорининг янада ривожланишига хизмат қилади.

**У. АЛОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

